

Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича
ШАРТНОМА

Навоий шаҳри

259 -сон

«15» январь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Н.Б.Ниязбеков (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан Конимех туман касб-хунар мактаби (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Гувоҳнома асосида фаолият юритувчи директори А.Х.Худайбердиев иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1-боб. Шартнома предмети

1.Ижрочи Қўриқлаш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси Мониторинг маркази (кейинги ўринларда ТҚП деб юритилади) фойдаланган ҳолда **Буюртмачининг** мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, **Буюртмачи** эса мазкур Шартнома шартларига асосан кўрсатилган хизмат учун тўловларни вақтида амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-боб. Умумий шартлар

2. Буюртмачи: «Куриқлаш» га топширади, «Куриқлаш» эса Конимех тумани Ажинияз кўчаси 58 уйда жойлашган туман касб-хунар мактаби биносининг кириб чиқиш жойига иш кунлари 04 соатлик соат 18-00 дан соат 22-00 га қадар Куриқлаш бошқармаси Мониторинг марказига Ташвиш тугмаси орқали қўриқлаш учун Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қилади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичида Куриқлаш бошқармаси саф бўлинмалари, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш пункти орқали қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш объектга 30 иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади кўрсатилган қўриқлаш хизмати учун ойлик тўловлар ҳисоб-сметасининг 1-иловасида акс этган.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.